

ТАНОСИЛ ЁКИ ОИВ КАСАЛЛИГИ/ОИТСНИ ТАРҚАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ЖАБРЛАНУВЧЕНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Суюнов Бобуржон Бахадирович

Миробод тумани ИИО ФМБ ТБ катта терговчиси

Курамбаев Тохир Хосинбаевич

ИИВ Академияси Тергов фаолияти кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8049803>

Жиноятларни тергов қилиш жараёнида процесс иштирокчиларини сўроқ қилишда олинган кўрсатувлар, қоида тариқасида, жиноят иши бўйича далилларнинг асосий қисмини ташкил этади, баъзан эса исботлашнинг ягона тури ҳисобланади. Шу боис барча турдаги жиноятлар, шу жумладан таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш жиноятлари бўйича сўроқ қилиш тергов ҳаракати сифатли ўтказилиши талаб этилади. Бугунги кунда жиноятчиликнинг трансформация жараёнлари кузатилмоқда, яъни ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда содир этилаётган жиноятлар сони ортиб бормоқда, бу эса бу борада махсус билимларни қўллаш зарурати туғилмоқда. Бироқ, бу турдаги жиноят ишларини тергов қилишда ҳам сўроқдан воз кечиб бўлмайди. Шу билан бирга, янги турдаги жиноятчилар уларни сўроқ қилиш тактикасига алоҳида ёндашувни талаб қилади. Шундай қилиб, сўроқ қилиш тактикаси масалалари долзарб бўлиб, бизнинг фикримизча, унинг ривожланишига фойдали таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тенденциялар мавжуд. Шу боисдан сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, уни ўтказиш тактикасининг турли жиҳатлари кўплаб олимларнинг асарларида ёритилган Жумладан, А.Н. Василев, Л.М. Карнееванинг таъкидлашича, “Сўроқ пайтида деярли ҳар бир ҳолатда ҳақиқатни аниқлаш учун энг кўп далиллар олинади. Шу маънода сўроқни далил олишнинг асосий манбаи деб ҳисоблаш мумкин”. [1]

Шунингдек, Н. И. Порубов “сўроқ қилиш терговчи фаолиятининг “таянч тоши” эканлигини таъкидлайди. Сўроқнинг мураккаблиги унинг кўринадиган соддалигидадир. Малакали сўроқ қилиш нафақат қонунни билиш ва уни ижодий қўллашни, балки кундалик тажрибани, шахснинг индивидуал ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унга турли хил таъсир чораларини изоҳлаш ва ўзгартириш қобилятини ҳам талаб қилади ва у юксак маҳорат ва қобилят талаб қиладиган санъатдир”, -дея таъкидлайди. [2]

Р.С. Белкиннинг фикрича эса “умуман олганда сўроқ қилиш тактикаси ва унинг барча элементлари илмий асосларининг зарурий таркибий қисми сифатида мустаҳкам психологик асосга эга бўлиши керак”. [3]

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича жабрланганларни сўроқ қилишнинг тактик хусусиятлари бир қатор омиллар билан белгиланади: жумладан, жабрланувчида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахс тўғрисида маълумотларнинг мавжудлиги; жабрланувчи ва гумон қилинувчи (айбланувчи) ўртасидаги муносабатлар; касаллик оқибатлари, дастлабки маълумотлар ҳажми ва унинг мазмуни ва бошқалар. Баъзи ҳолларда жабрланганларни сўроқ қилиш улар даволанаётган тиббиёт муассасаларида ўтказилади, бу шубҳасиз ушбу тергов

ҳаракатининг тактик хусусиятларига таъсир қилади. Жабрланувчини сўроқ қилиш жиноят иши қўзғатилгандан сўнг дарҳол ўтказилиши керак.

Жабрланувчини сўроқ қилиш кечиктирилган ҳолларда, унга жиноят содир этган шахслар, уларнинг қариндошлари ва танишлари, шунингдек даволанаётган беморларнинг ОИВ касаллиги билан касалланган тиббий муассасаларнинг айрим ходимлари томонидан салбий таъсир кўрсатилиши мумкин. Шунинг учун жиноят ишини қўзғатиш ва жабрланувчини сўроқ қилиш ўртасидаги вақт оралиғини қисқартириш терговнинг мақбуллигини оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, терговчи сўроқ пайтида нафақат таносил ва ОИВ касалликлари ҳамда ОИТС ҳақида ҳақида муайян билимга эга бўлиши талаб этилади, балки уни сўроқ қилишга тайёргарлик кўраётган терговчи режа тузиши керак ҳамда унда қуйидаги маълумотларни аниқлаштиришни таъминлаш керак:

1. Содир этилган жиноятнинг ҳолатлари тўғрисида (у касал бўлиб қолганда қайси шифокорга, мутахассисга мурожаат қилганлиги, унда касалликнинг қандай аломатлар борлиги: жигар, талоқ оғриғи, шунингдек иситма, жинсий аъзолардаги яралар, жинсий аъзолардаги оғриқлар, танадаги тошма, юз ва бошқалар; унга шифокор томонидан қандай ташхис қўйилганлиги, жабрланувчининг фикрича, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни у қаерда ва қачон юқтирган бўлиши мумкинлиги, у тиббий муассасаларда даволанганми, агар шундай бўлса, тиббий муассасада қаерда, қачон ва қандай тиббий муолажалар ўтказилганлиги ва шу каби ҳолатлар;

2. Жиноят содир этган шахс бўйича қуйидагиларни аниқлаш керак: жабрланувчи жиноятчини таниш-танимаслиги, агар таниш бўлса, у қандай шароитда у билан танишганлиги, қариндошлари ёки танишлари орасида таносил ёки ОИВ/ОИТС билан касалланганлар бор-йўқлиги, бор бўлса қачон ва қандай шароитда улар билан мулоқот қилганлиги, таносил ёки ОИВ/ОИТС билан касалланган одамнинг уй-рўзғор буюмлари (электр устара, тиш чўткаси, сочиқ ва ҳоказо) дан фойдаланган-фойдаланмаганлиги ва шу каби муҳим ҳолатлар.

Агар жабрланувчи айбдор билан таниш бўлмаган ва у билан алоқа тасодифий бўлган бўлса, жиноятчининг алоҳида ўзига хос белгилари (ташқи кўриниши, юз тузилиши, эгнида бўлган кийими ва шу каби), унинг хулқ-атвор хусусиятлари, шу жумладан жинсий бузуқликка мойиллиги, гиёҳвандлик воситаларидан фойдаланиши ва шу каби ҳолатлар ҳақида батафсил сўроқ қилиниши керак. Шунингдек, жиноятчи қайси ижтимоий доирага киритиш мумкинлиги, уни ташқи кўриниши ва бошқа белгилари орқали кўрса таниш-танимаслиги, унга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки жинсий бузуқлик содир этилган-этмаганлигини;

3. Жабрланувчининг ўзи, унинг турмуш тарзи, оила аъзолари, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга мойиллиги, нотаниш одамлар билан жинсий ва бошқа алоқалар қилган-қилмаганлиги, чет элга чиққан-чиқмаганлиги, таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТС бўйича даволанган-даволанмаганлиги аниқланиши керак.

Сўроқ пайтида жабрланувчининг психологик хусусиятларини аниқлаш зарур, бунинг учун унинг оиласидагилар, танишлари, синфдошлари билан муносабатлари аниқланиши лозим.

Юқорида қайд этилган рўйхат қатъий эмас ва кўп жиҳатдан содир этилган жиноятнинг ўзига хос ҳолатларидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин. Шунингдек,

жабрланганларни сўроқ қилиш пайтида мавжуд вазиятга ва сўроқ қилинувчининг ўзини тутишига қараб тактик усуллар қўлланилиши лозим.

Жиноят содир этган шахсни биладиган жабрланувчини сўроқ қилиш пайтида унинг кўрсатувлари тафсилотларидан фойдаланиш, унинг жиноятчи билан муносабатлари батафсил аниқлаш тавсия этилади. Номмаълум шахс томонидан жиноят содир этилган ҳолатда эса жабрланувчи унинг ташқи қиёфасини батафсил тасвирлаб, алоҳида ўзига хос белгилари, баъзида эса хулқ-атвор белгиларини ажратиб кўрсатиши муҳимдир.

Жабрланганларни сўроқ қилишда уларнинг жиноят содир этилишига мойил хатти-ҳаракатларини, мисол учун унинг ўзи тасодифий жинсий алоқа қилганлиги, гиёҳванд моддаларни шерикчиликда истеъмол қилганлиги ёки биргаликда алкагол маҳсулотларини истеъмол қилиши ва шу кабиларни ҳисобга олиш зарур. Тергов даврида бундай жабрланувчиларнинг кўрсатувлари танқидий баҳоланиши ва қайта текширилиши зарур, чунки улар ахлоқсиз хатти-ҳаракатларини яширишни истаб, ҳар доим ҳам тўғри кўрсатмалар бермасликлари мумкин. Бундай зиддиятли вазиятларда терговчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддалари талабларини тушунтиришда жабрланувчининг расман қатъий огоҳлантиришга урғу бериши, зарурат туғилганда эса уни сўроқ қилишда видеокамерадан фойдаланиши лозим мақсадга мувофиқ.

Муаммоли вазиятнинг олдини олиш ёки ҳал қилиш учун терговчи жабрланувчига ўз позициясининг ноқонунийлиги ва хавфлилигини, унинг ёлғон кўрсатмаларининг оқибатларини тушунтириши, сўроқ қилинаётган шахснинг ижобий фазилатларидан фойдаланишни фаоллаштириши лозим. Агар қўшимча сўроқ пайтида жабрланувчи илгари берган кўрсатмаларини ўзгартирса, терговчи сўроқ қилинаётган шахс жиноят содир этган шахсни танишини ёки унга манфаатдор шахслар таъсир кўрсатганлигини ёхуд дори-дармон сотиб олиш учун пул олганлиги ҳақидаги тусмолни илгари суриши тавсия этилади.

Л.Я. Драпкин мураккаб бўлмаган вазиятда жабрланувчиларни сўроқ қилишнинг қуйидаги асосий тактикасини тавсия қилади. [4]

Жабрланувчи билан психологик ишонч муҳитини яратиш. Мураккаб бўлмаган вазиятда жабрланувчи билан дўстона муносабатлар терговчининг вазифаларидан бири бўлган ҳамкорлик муносабатларига айланиши мумкин. Ушбу услуб юқорида жабрланувчини сўроқ қилишга тайёргарлик бўлимида батафсил тавсифланган.

Ўқишлар тафсилотлари. Ушбу услуб нафақат мавжуд маълумотларни аниқлаштиришга, балки бир томондан, жабрланувчининг кўрсатмаларининг тўғрилигини, бошқа томондан эса, илгари олинган маълумотларнинг ишончилигини текширишга имкон беради. Гувоҳликнинг тафсилотларига уларни тиббий ва бошқа ҳужжатлар билан таққослаш, бошқа процесс иштирокчиларининг кўрсатмалари билан таққослаш, саволларни қайта кўриб чиқиш ва индивидуал ҳолатларни иложи борица аниқлаштириш орқали эришилади.

Тадқиқотлар давомида ўрганилаётган жиноятлар бўйича жабрланувчиларининг аксарияти ўзларининг салбий хатти-ҳаракатлари билан ўзига нисбатан жиноят содир этилишига мойил ва шунинг учун бундай маълумотларни терговчидан яширишга ҳаракат қилишади, айниқса жабрланувчи ва гумон қилинувчи ўртасида қариндошлик муносабатлари мавжуд бўлган ҳолатларда шундай ҳолатлар учрамоқда.

Жумладан, 2020 йил июнь ойида Тўрткўл тумани ИИБ хузуридаги Тергов бўлими томонидан фуқаро “А” исмли шахсга нисбатан ЖКнинг

113-моддаси 4-қисми билан олиб борилган тергов даврида унинг турмуш ўртоғи жабрланувчи “Н” исмли аёл ўз кўрсатмасида фуқаро “А” ҳимоя воситасидан фойдаланмай жинсий алоқада бўлиши учун ўзининг ҳаракатсизлиги билан руҳсат берганлигини турли хил ёлғон гувоҳлик бериш йўли билан инкор этишга ҳаракат қилган, натижада юзлаштириш тергов ҳаракати давомида ишнинг ушбу томонларига аниқлик киритилган. [5]

Ассоциатив алоқалар усули. Баъзан жабрланувчилар томонидан унутилган ёки унчалик эсга келмайдиган фактларни эслаш учун терговчи терговни қизиқтирган ҳолатларни жабрланувчига маълум бўлган воқеа билан таққослайди. Ушбу усул таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТС билан касалланиш ҳолатларини, айниқса жиноят содир этилган жой, вақт ва гумон қилинаётган шахснинг шахсини аниқлашда фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, ушбу тоифадаги жиноят ишларида вояга етмаган жабрланувчилар, биринчи навбатда, жинсий зўравонлик қурбонлари бўлиб, ҳар доим сўроқ пайтида терговчи томонидан ҳисобга олиниши керак бўлган маълум руҳий хусусиятлар билан ажралиб туради.

Ғ. Абдумажидовнинг фикрича, “терговчи биринчи сўроққа тайёргарлик кўришда вояга етмаган ҳақида маълумотларга эга бўлиши, унинг руҳий ҳолатини эътибордан четда қолдирмаслиги ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб аниқ, лўнда, қисқа саволларни тайёрлаши лозим”.

Н.А. Курмаевнинг фикрича эса, “вояга етмаганларни сўроқ қилиш тергов ҳаракатида қонуний вакилнинг иштирокига нисбатан психологнинг иштироки кўпроқ ижобий натижа беради. Сабаби аксарият ҳолларда, сўроқ жараёнида қонуний вакилнинг иштироки вояга етмаган шахснинг уялишига ҳамда саволларга атрофлича, аниқ жавоб бермаслиги олиб келиши мумкин”. [6]

Н.И. Порубовнинг фикрича, “вояга етмаган шахс ёшидан қатъий назар сўроқ қилиниши мумкин, агар сўроқ предмети унинг ёшига мос бўлса ҳамда боланинг ақли заиф бўлмаса”, [7] дея қайд этган бўлса, бошқа олим

Э.И. Цымбала эса “иш учун аҳамиятли далилларни 3 ёшдан катта соғлом болалар ва 5-6 ёшдан катта ўртача руҳий касалликларга эга бўлган болалардан олиш мумкин, деб ҳисоблайман. Бироқ, бу сўроқ пайтида махсус шароитлар яратиш ва зарур тайёргарликка эга психологларни жалб қилишни талаб қилади”. [8]

Таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича вояга етмаган жабрланувчилар асосан жинсий эркинликка қарши жиноятларда доирасида аниқланиши мумкин. Мазкур ҳолатларда уларни сўроқ қилиш терговчидан алоҳида ёндашувни талаб қилади.

Шу боис ушбу жиноятлар бўйича вояга етмаган жабрланувчиларни сўроқ қилишда ҳар қандай ноўрин сўз ёки дўстона ва ҳатто нейтрал юз ифодаси вояга етмаганнинг руҳий ҳолатига таъсир этиши ва сўроққа халақит бериши мумкин. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, терговчи алоҳида хайрихоҳ бўлиши, вазминлик кўрсатиши, ҳукм сифатида қаралиши мумкин бўлган иборалардан қочиши тавсия этилади. Имкон қадар вояга етмаганнинг қонуний вакили сифатида унинг ота-онасини қатнаштирмаган мақсадга мувофиқ.

Негаки ушбу турдаги жиноятлар бўйича вояга етмаган ўзининг яқинлари олдида, айниқса ота-онаси олдида иш ҳолатлари бўйича батафсил кўрсатма беришга уялиши, қўрқиши ва шу каби ҳолатларга дуч келиши мумкин. Шу боис ушбу ҳолатларда уларнинг ота-оналари рнига уларнинг ўрнини босувчи шахсларни қонуний вакил қилиб ишда иштирок этишга жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Reference:

1. Васильев А. Н., Карнеева Л. М. Тактика допроса при расследовании преступлений. Москва, 1970. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/psihologicheskie-aspekty-taktiki-doprosa-v-paradigme-razvitiya-kriminalistiki> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.05.2023);
2. Порубов Н. И. Профессиограмма следственной деятельности: монография. Москва, 2010.; (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 01.06.2023);
3. Белкин Р. С. Очерки криминалистической тактики: учебное пособие. Волгоград, 1993. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.06.2023 й);
4. Криминалистика. Учебник под ред. Драпкина Л.Я., Карагодина В. Н. - М.: Юрид. лит., 2004.375 с (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 10.06.2023 й);
5. Public.uz сайтидан электрон манбага мурожаат қилинган вақт:
6. 2023 йил 11 июнь;
7. Курмаева Н.А. Проблемы участия специалиста-психолога в допросе несовершеннолетних подозреваемых и обвиняемых // Пробелы в российском законодательстве. – 2009. – № 1. – С. 146-14. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 11.06.2023);
8. Арямов А. Особенности детского возраста. – М., 2013. с. 18. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 11.06.2023 й);
9. Мамайчук И.И. Экспертиза личности в судебно-следственной практике: Учеб. пособие. СПб., 2014. С. 136 (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.06.2023 й).